

**Мирзо Улуғбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий  
университети**

**“Иқтисод ва молия”  
журнали таҳририяти**

*Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги ва Ўзбекистон  
Миллий университети Иқтисодийёт факультети ташкил  
топганлигининг 25 йиллигига бағишланади*

**ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИККА  
ЭРИШИШДА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ  
ВА ИҚТИСОДИЙ  
МУТАНОСИБЛИКЛАРНИ  
ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ**

**РЕСПУБЛИКА МИҚЁСИДАГИ ИЛМИЙ–АМАЛИЙ  
КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ**

**1-қисм**

**2016 йил 27 апрель**

**Тошкент - 2016**

<i>Алимова Г.А.</i>	81
<b>Социальная сфера как экономическая категория и ее структура</b>	
<i>Hakimov H.A.</i>	84
<b>Iqtisodiyotni barqarorlashtirish makroiqtisodiy siyosatning bosh maqsadi</b>	
<i>Юлдашева Г.В.</i>	86
<b>Ўзбекистонда инновацион жараёнлар ва уларнинг ҳуқуқий институционал асослар</b>	
<i>Xamrayev O.Y., Xoltoyev M.</i>	89
<b>O'zbekiston qishloq xo'jaligi va sanoati o'rtasidagi mutanosiblikni ta'minlashdagi ayrim muammolar</b>	
<i>Sodikov Z. R.</i>	91
<b>Milliy iqtisodiyotda mutanosiblikni ta'minlashning o'ziga xos jihatlari.</b>	
<i>Namraeva A.T.</i>	93
<b>Modernization: history, theory and measures.</b>	
<i>Нурматов Н.Ж., Маликов А.Ў.</i>	95
<b>Иқтисодийётни модернизация қилиш шароитида инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солиш.</b>	
<i>Тарахтиева Г.К., Рахмонқулова Г.М.</i>	97
<b>Иқтисодийётни модернизация қилиш шароитида инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солиш.</b>	
<i>Рустамов Н. И.</i>	99
<b>Ялпи ички маҳсулот ўсиши ва аҳоли турмуш даражаси ошиши мутаносиблигини таъминлашнинг назарий жиҳатлари</b>	
<i>Абдурахимова Н.А</i>	101
<b>Корпоратив бошқарув тизимидаги ислохотлар миллий иқтисодийётнинг мувозанатли ривожига хизмат қилмоқда</b>	
<i>Норқобилов Н.Н.</i>	103
<b>Иқтисодий барқарорликка эришишда моддий ресурслардан самарали фойдаланиш йўллари</b>	
<i>Ражабов Ў.Д.</i>	104
<b>Аҳоли турмуш даражаси ва даромадлари мутаносиблигини таъминлашнинг устувор йўналишлари</b>	
<i>Валиев Б.Б</i>	106
<b>Ўзбекистонда иқтисодий мутаносибликни таъминлаш шароитида чет эл капитали таркибий ўзгаришининг замонавий тенденциялар</b>	
<i>Хайитмиротов Ш., Абдухолиқова Н.</i>	108
<b>Макроиқтисодий нисбатлар тизими ва уларнинг ўзаро мутаносиблиги</b>	
<i>Одинаев Д.Ш.</i>	110
<b>Истеъмол, жамғариш ва инвестициялар ўртасидаги</b>	

шарт- шариитлардан келиб чиққан ҳолда аниқлаш;

- инвестицион жараёни илмий ва амалий асосланган баҳолар тизими билан таъминлаш;

- имтиёзли кредит, солиқ ва амортизация сиёсатини амалга ошириш;

- миллий иқтисодиётнинг ўзига хос реал хусусиятларини тўлиқ инобатга олган ҳолда ҳудудлар даражасида лойиҳалар ишлаб чиқиш.

## **ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ЎСИШИ ВА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ОШИШИ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

*Рустамов Н. И. (КИХИ) ТДИУ*

Макроиқтисодий барқарорликка эришиш кўп жиҳатдан ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсишини таъминловчи омиллардан самарали фойдаланиш, унинг тармоқ тузилишини такомиллаштириш, ЯИМ таркибий компонентлари оптимал нисбатини таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш билан боғлиқ. ЯИМ миллий иқтисодиётнинг тармоқлари ва соҳаларида барча резидентлар томонидан бир йил давомида яратилган пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор баҳоларидаги йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Уни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида иқтисодий муносабатлар вужудга келади.

Иқтисодий ўсиш одатда ЯИМнинг ўсиши ва аҳоли жон бошига ЯИМ ўсиши билан ўлчанади. Мамлакатнинг иқтисодий ўсишини ЯИМ мутлақ ҳажмининг ортиши орқали ўлчаш, унинг иқтисодий салоҳиятини баҳолашда, аҳоли жон бошига реал ЯИМ миқдорининг ортиши орқали ўлчаш эса мамлакатдаги турмуш даражасини таққослашда қўлланилади.

Аҳоли сонининг ўсиши мамлакат иқтисодиётида ишчи кучи салоҳияти юқори бўлишига олиб келади. Агар мамлакатда товар ва хизматларни ишлаб чиқариш даражасининг йиллик ўсиш суръати аҳоли сонининг йиллик ўсиш суръатига нисбатан кам бўлса, бу ҳолат аҳоли жон бошига ЯИМ улушини камайишига сабаб бўлади ва аҳолининг турмуш даражаси пасайиши тенденциясини вужудга келтиради.

“Аҳоли турмуш даражаси” тушунчасига берилган турли таърифлар ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш, даромадлар, турмуш қиймати, истеъмол меъёрлари ва мезонлар каби бошланғич тушунчаларни таъкидлаб кўрсатади ёки уларни рад қилади ёхуд комплекс равишдаги кўп жиҳатли хусусиятга эга бўлади. Биз булар орасида турмуш даражасини оширишнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ ёндашувларига алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз. “Ишлаб чиқариш” ёндашувида аҳолининг турмуш даражаси ишлаб чиқарувчи кучлар, ижтимоий ишлаб

чиқариш таркиби ва самарадорлиги даражасига боғлиқлигидан келиб чиққан ҳолда ўрганилади. Айрим назарияларда аҳоли турмуш даражаси ошиши ва ижтимоий ишлаб чиқариш ўртасида тесқари алоқа мавжудлиги кўрсатилади. Бу энг аввало, турмуш даражаси меҳнат ресурсларининг сифат хусусиятлари ва иш билан банд аҳолининг меҳнат самарадорлиги билан боғлиқлиги ҳамда аҳолининг истеъмол имконияти ўсиши билан юқори меҳнат унумдорлигидан манфаатдорлик ошиши орқали намоён бўлади.

ЯИМ ҳажми ўсиши ва аҳоли турмуш даражаси ошиши ўртасидаги боғлиқлик тўғрисида турли фикрлар билдирилган. Баъзи ҳолларда, хусусан эконометрик таҳлилларда ЯИМ ҳажми ўсиши ва аҳоли турмуш даражаси ошиши ўртасида тўғри боғлиқлик мавжуд эмас деб қаралади. Булар орасида бир бутунлик мавжуд, яъни иқтисодий қоида бўйича ЯИМ ҳажми ошса, аҳоли турмуш даражаси пасайиши керак, аксинча, аҳоли турмуш даражаси ошса, ЯИМ ҳажми камайиши керак. Бу макроиктисодиётдаги даромаднинг истеъмол ва жамғармага тақсимланишидан келиб чиқади. Агар даромад истеъмолга кўпроқ сарфланса аҳоли турмуш даражаси ошади, даромад кўпроқ жамғаришга йўналтирилса, унинг оқибатида инвестициялар кўпайиб ЯИМ кўпаяди. Лекин, бу қоида ҳар доим ҳам амал қилавермайди, кўп ҳолларда давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга ошириб, ЯИМ ҳажми ўсиши ва аҳоли турмуш даражаси ошишини тартибга солиб туради.

ЯИМ ўсиши ва аҳоли турмуш даражаси ўртасидаги катта тафовут баъзи мамлакатларда кузатилади. Масалан, Хитойда 2014 йил ЯИМ ҳажми 17,6 трлн. долларни ташкил этди ва у дунёда биринчи ўринни эгаллади, 2014 йил Хитойда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ 7600 долларга тенг бўлди. Бу бўйича Хитой дунёда 99- ўринни эгаллади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Хитойда 2020 йилга бориб ЯИМ ўсишини 2010 йилгига нисбатан икки баробарга ошириш ва аҳоли турмуш даражасини икки баробарга ошириш вазифаси белгиланди.

Бу борада мамлакатиздаги иқтисодчи олимлар тадқиқотлар олиб борганлар. Масалан, профессор Б.К. Ғойибназаров “Аҳоли турмуш даражасини сатистик баҳолаш” номли монографиясида аҳоли турмуш даражасини миллий ҳисоблар тизимининг статистик таҳлиллари билан боғлаб ўрганган. ЯИМ миллий ҳисоблар тизимининг асосий тушунчаси ҳисобланади. Иқтисод фанлари доктори Х.С. Мухитдинов ўз тадқиқотларида аҳоли турмуш даражаси ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишига боғлиқлигини ёритган ва аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг таъсирини кўрсатган.

Бизнинг олиб бораётган тадқиқотларимиз натижасида чоп этилган “Саноат корхоналари самарадорлигининг аҳоли турмуш даражасига таъсирини баҳолаш” номли монографияда аҳоли турмуш даражасини

ошириш саноат тармоғининг ривожланиши билан боғланиб ўрганилган.

Биз аҳоли турмуш даражасини ўрганишга турли ёндашувлар бўлиши керак деган фикрдамиз ва иқтисодиёт тармоқларни ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини оширишни ўрганиш зарур деб ҳисоблаймиз. Шу нуқтаи-назардан ЯИМ ўсишини аҳоли турмуш даражаси оширишнинг муҳим омили сифатида қараб, ЯИМ ўсиши ва аҳоли турмуш даражаси ошиши ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ қилиш, уларнинг мутаносиб равишда ўсишини таъминлаш бўйича илмий изланишлар олиб бораёلمиз.

Ҳозирги кунда жаҳоннинг барча мамлакатларини олдига ЯИМни ҳисоблашнинг янги қоидаларини қабул қилиш вазифаси кўйилди. Шунингдек, жаҳон банки томонидан Ўзбекистонда ислохотларни амалга ошириш стратегиялари ишлаб чиқилди. Унга бинонан мамлакатимизда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ юқори суръатларда ўсишини таъминлаш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш тадбирлари белгиланди. Буларни амалга оширишда юқоридаги фикрлар амал қўлланилса, бу мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар янада самарали амалга оширилишига ёрдам беради.

## **КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОХОТЛАР МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУВОЗАНАТЛИ РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА**

*Абдурахимова Н.А. (талаба) ЎЗМУ*

Миллий иқтисодиётнинг ривожланиши мувозанатлик ҳолатини талаб этади. Бунинг учун эса турли тармоқлар ва соҳалар ўртасида мутаносиблик бўлиши зарур.

Иқтисодий мутаносиблик иқтисодиёт тармоқларида миқдор ва сифат жиҳатдан маълум мослик бўлишини кўрсатса, унинг корпоратив бошқарув тизимидаги ўрни ниҳоятда муҳим. Чунки бугунги кунда жадаллик билан ривожланиб бораётган мазкур тизимдаги ўзгаришлар хусусий мулк ва давлат мулкининг ахамияти, акционерлик жамиятларининг бугунги кундаги аҳоли, раҳбар кадрлар салоҳияти каби бир қатор меъзонларни ўз ичига олган.

2015 йилда корпоратив бошқарув тизимидаги принцип ва ёндашувлар тубдан ўзгартирилди ва унинг ҳақиқий бозор хусусиятларига эга бўлиши таъминланди. Бунда энг аввало аксиядорлик жамиятларида давлат улушининг тобора қисқариб бораётганини келтириб ўтиш жоиз. Бу орқали эса хусусий мулк ва давлат мулки ўртасидаги мутаносиблик вужудга келди.